# ЛЕНИНИЗМ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ: РЕАЛИЗМ ВА ИЖОДКОРЛИК УЧУН

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Ҳамма-ҳамманинг даромадларини бараварлаштириш тўғрисидаги сафсатабозларча даъватлар социализмга ётдир. Бизнинг жамиятимиз социал адолатнинг: «ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган ҳозирги кундаги бош принципни изчиллик билан ўтказиб, айни вақтда инсоннинг социал жиҳатдан ҳимояланиши ҳақида бундан буён ҳам ғамхўрлик қилаверади. Аҳолининг кам ҳақ оладиган группаларига, пенсионерларга, ёшларга эътиборни айниқса кучайтириш зарур.

Эҳтирослар жўш уришига сабаб бўлаётган яна бир масала — енгиллик ва имтиёзлар тўғрисидаги масаладир. Ўтган ўн йилликлар мобайнида халқ хўжалигининг турли поғоналарида, ҳар хил тармоқлар ва соҳаларда; корхоналар ва ташкилотларда пул тўловлари ва имтиёзлар, уй-жой, соғлиқни сақлаш, дам олиш ва бўш вақтни кўнгилли ўтказиш хизматлари билан таъминлаш тарзида қўшимча рағбатлантиришнинг кенг шохобчали системаси вужудга келган эди. Ҳозирги вақтда тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиш орқали шу системанинг ривожлантирилиши рағбатлантирилмоқда. Буларнинг ҳаммасини пухта ўйлаб, тагига етмоқ керак: бу ўринда нималар оқилона ва зарур эканини, нималар социал адолатга зидлигини билиб олиш зарур.

Товар-пул муносабатларидан актив фойдаланиш йўли — иқтисодий ислоҳотнинг энг муҳим элементидир. Социализм билан бозорни бир-бирига қарама-қарши қўйишга йўл қўйиш ярамаслиги ҳақида кўп гапирилди. Революцияга қадар уларнинг бир-бири билан сиғишмаслиги тўғрисидаги тасаввур марксистлар орасида ҳукмрон эди. Владимир Ильич ҳаётининг сўнгги йилларида ёзган асарларида бу масалага ёндошув ўзгарганлиги равшан ифодалаб берилди. Бу ўзгариш социалистик назарияни ривожлантиришда жуда катта қадам бўлган эди.

Ўзига хос бозор романтизмига берилиб кетиш, гўё корхоналарга тўла мустақиллик берилса бас, ҳамма муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлаверади, деб ўйлаш соддалик бўлур эди, албатта. Аммо социалистик планли хўжаликда бозорсиз иш кўриш йўлидаги уринишлар ҳам маҳсулот етказиб берувчининг истеъмолчи устидан ҳукмронлигига, монополизмнинг авж олишига, бюрократик аппаратнинг қаппайиб кетишига муқаррар равишда олиб боради. Бозор — ишлаб чиқариш билан истеъмолни мувофиқлаштирадиган, самарадорликка қизиқтирадиган эпчил қурол эканини, бу қурол жуда турли социал-иқтисодий системаларга қовушиб кетиши ва уларга муваффақиятли хизмат қилиши мумкинлигини жаҳон тажрибаси ҳеч рад этиб бўлмайдиган тарзда исботлади.

Ҳозирча, афсуски, биз бозорни ва бозор ёрдамида бошқаришни ҳали ўрганиб олганимиз йўқ. Нарх белгилаш практикасида кўпгина муаммолар йиғилиб қолди. Ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдоси ҳаддан ташқари суст ривожланмоқда. Истеъмол бозори, пул муомаласи, давлат молияси ва кредити издан чиққанлиги ҳам иқтисодий вазиятни ҳаддан ташқари чигаллаштирмоқда. Қатъий барқарор пул бўлмаса иқтисодий тартибга солиш воситаларининг бутун системаси ишлай олмайди.

Ҳақ гапни айтмоқ керак. Агар биз соҳилдан тошиб кетган пул дарёсини жиловлай олмасак, яна лимитларга ва тақсимлаш воситаларига қайтиш, бинобарин эса, хўжалик ислоҳотининг муваффақиятсизликка учраши муқаррар бўлиб қолади. Ҳозир бу муаммо сиёсий тус олди. Уни ҳал этишга ёндошув ҳам сиёсий тусда бўлмоғи керак.

Молиявий аҳволни ва пул муомаласини соғломлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган программада аҳоли учун товар ресурслари ва хизматларни кўпайтириш йўлида катта қадамлар қўйиш, чала қурилишларни қатъиян қисқартириш, бошқарув харажатларини янада камайтириш, ташқи савдо сиёсатига жиддий тузатишлар киритиш, ниҳоят, мудофаа харажатларини катта миқдорда, аммо оқилона қисқартириш кўзда тутилади.

Хўжалик турмушининг оқимини бир кунда юқоридан берилган буйруқ билан буриб юбориб бўлмайди. Масъулиятсиз кишиларгина оғизда шундай қилишлари мумкин. Аммо шуни ҳам эсда тутиш керак: бир жойда тўхтаб қолиш ва айниқса белгиланган йўлдан чекиниш ярамайди.

## III.

Ўртоқлар! Сиёсий соҳада кенг демократик ўзгартишлар бошланди. Бу ўзгартишларни тараққиётимизнинг энг зарур эҳтиёжлари тақозо этди. Аммо бу ислоҳотнинг асосий ғоялари барибир Ленин ғояларига асосланади.

Унинг қолипчилик ва андозачиликка қарши чиқишлари, ошкораликни, давлат, жамоат турмуши ва иқтисодий турмушнинг хилма-хил шаклларини қўллаб-қувватлаганлиги социалистик плюрализм (фикрларнинг хилмахиллиги) тўғрисидаги масалани ҳозиргидек ўртага қўйиш учун асос бўлди. Лениннинг Советлар тўла ҳокимияти, халқнинг қонунларни ишлаб чиқишда ва шу қонунларни амалга оширишда ҳал қилувчи овозга эга бўлиш, ўз вакилларини танлаб олиш, улар фаолиятининг ҳар бир қадамини билиб, текшириб туриш ҳуқуқи тўғрисидаги фикрлари — мана шу ғоялар ҳозирги сиёсий ислоҳотнинг марказида турибди.

Шу сиёсий ислоҳотни амалга ошириш давомида ҳуқуқий социалистик давлатни барпо этиш йўли қадам-бақадам рўёбга чиқарилмоқда, қонуннинг устунлиги қарор топтирилмоқда, инсоннинг ҳуқуқий ҳимояланиши мустаҳкамланмоқда. Жамиятнинг демократик имкониятлари тўла-тўкис намоён этилмоқда. Омманинг сиёсат билан шуғулланишидек жўшқин жараён давом этмоқда. Хилма-хил қарашлар, позицияларни, жамият турли табақаларининг манфаатларини ифодалайдиган ташкилотлар, бирлашмалар, ҳаракатлар ижтимоий турмуш мавжига қўшилмоқда.

СССР халқ депутатларининг сайлови бизни сиёсий ўзгартишларнинг янги босқичига ва ижтимоий турмушнинг янги палласига олиб кирмоқда. Бу — ислоҳотнинг биринчи натижаси ва айни вақтда уни янада чуқурлаштиришнинг қудратли омилидир.

Сайлов кампанияси граждан активлигини чинакамига барқ урдириб юборди, халқ турмушининг ва мамлакат тараққиётининг, партия ва Советлар, жамоат ташкилотлари фаолиятининг энг зарур масалалари жонкуярлик билан қизғин муҳокама қилинишига йўл очди. Биз сайлов системасини демократиялаштирганимизда, ошкоралик ва рўй-ростликни ривожлантирганимизда, айни шундай бўлишини назарда тутган эдик.

Сайлов халқнинг партиямизни кенг миқёсда қўллаб-қувватлашини намойиш этди. Депутатларнинг ҳозирги составида коммунистлар аввалги пайтлардагига, яъни ҳар бир кўрсаткич планлаштириб қўйиладиган даврлардагига қараганда анча кўп.

Бироқ сайловнинг ўз сабоқлари ҳам бор.

Партия қўллаб-қувватланганлигини ҳам, унинг айрим вакилларига ишонч билдиришдан очиқ-ойдин бош тортилганлигини ҳам айнан бир маънода — қайта қуришни янада зўр ғайрат ва самарадорлик билан олға силжитишга берилган умумхалқ наказ деб, ишга халақит бераётган, замон руҳига мос келмаётган ҳамма иллатларни рад этиш деб англамоқ керак. Совет кишилари буйруқбозлик - маъмуриятчилик усулларини, меҳнаткашларнинг энг зарур эҳтиёжларига бюрократларча бағритошлик ва эътиборсизлик билан қарашни, кутиб туриш ва чалакам-чаттилик майлларини, масъулиятли қарорлардан ва собитқадам ҳаракатлардан бўйин товлаш йўлидаги уринишларни қоралашларини равшан қилиб айтдилар.

Ҳозир лавозимни автоматик тарзда эгаллашга умид боғлаб бўлмаслигини сайлов кўрсатди. Обрў-эътиборга, ишончга амалий иш билан сазовор бўлмоқ керак. Дабдабали декларациялар билан эмас, балки одамларга яқинлик билан, уларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини билиш билан, ишларни амалий тарзда яхшилаш билан сазовор бўлмоқ керак.

Сайлов кампанияси сиёсий авангард бўлмиш партиянинг ўзини қайта қуриш йўли тўғрилигини тасдиқлайди. Янгиланиб бораётган жамиятда янгиланиб бораётган партия иш кўрмоғи керак. Ҳозир бунга эришилди, деб ҳеч ким даъво қилаётгани йўқ. Аммо КПССда чуқур ўзгаришлар жараёни давом этмоқда. Унинг фаолиятида амалий жараёнларни таҳлил этиш, назария ва сиёсатни ишлаб чиқиш, жамоатчилик фикрини эътиборга олиш, унга сиёсий ва мафкуравий воситалар билан таъсир ўтказиш йўли биринчи ўринга чиқмоқда. Партия, давлат, хўжалик органларининг ва жамоат ташкилотларининг вазифаларини аниқ белгилаб бериш йўли ўтказилмоқда. Ички партиявий муносабатлар системаси, партиявий иш усули ва методлари қайта қурилиб, буйруқбозликдан ва маъмуриятчиликдан халос этилмоқда.

Партия аппарати ўзгармоқда. У янгиланди ва анча қисқартирилди. Унинг вазифалари ўзгартирилиб, сиёсий иш соҳасига кўчирилди, у тўла-тўкис сайлаб қўйилган органлар назорати остида турибди.

Қайта қуриш формациясининг одамлари партиявий иш саҳнасига тобора фаолроқ кўтарилмоқдалар. Улар меҳнат коллективларидан келмоқдалар, янги, амалий услубни олиб келмоқдалар. Бу одамлардан умидимиз катта. Уларга ёрдам ҳам бермоқ керак. Партия ҳам жамиятда, унинг ҳамма поғоналарида инсон ошкоралик ва рўй-ростлик вазиятида, эски сийқа усулларга қайрилиб қарамай, аммо бадном бўлишдан ҳам қўрқмай, комил ишонч ва масъулият билан ишлай оладиган муҳим қарор топиши учун ҳамма ишни қилмоқда. Дадиллик ва принципиалликни, мустақиллик ва ташкилотчилик талантини рўёбга чиқарадиган барқарор вазият вужудга келтирилиши лозим.

Демократиялаш жараёни — зиддиятлидир. Баъзан ошкоралик, фикрларни рўй-рост изҳор этиш вазиятида қизиққонлик ва ҳис-ҳаяжон далил-исботлардан ва ақл-идрокдан ошиб кетмоқда, гуруҳбозлик худбинлиги ва жиззакилик иш манфаатларига путур етказмоқдаки, буни кўрмаслик мумкин эмас.

Баъзи регионларда кўча ва митинг демократизми тўлқинида зўравонлик усуллари, ультиматум талаблари, маънавий тазйиқ воситаси билан ҳаракат қилиш йўлидаги уринишлар тез-тез учрай бошлади. Ёшлар ва ўсмирлар салбий жараёнларга жалб этилмоқда.

Тўпланиб қолган муаммолардан биронтасини ҳам мухолифлик ва экстремизм йўли билан ҳал қилиб бўлмайди. Бу — бунёдкорлик йўли эмас, балки ўзини-ўзи абгор қилиш йўлидир. Ишончсизликни, можароларни авж олдириш, одамларнинг ҳис-туйғуларини қўзғатиш йўли билан, мавжуд қийинчиликлар ва ҳозирча ҳал бўлмай турган масалаларни рўкач қилиш йўли билан олижаноб мақсадларга эришиб бўлмайди. Масъулиятсизларча ҳаракатлар билан мамлакатни социал ва сиёсий беқарорликнинг хатарли зонасига дучор қилиш мумкин. Бу эса қайта қуришга жиддий хавф солиши мумкин.

Баъзан, ўз демократиянгиз билан халқни талтайтириб юбордингиз, мана энди, бу ишнинг дардини тортаверинг, деган мулоҳазаларни эшитиш мумкин.

Бироқ ҳар бир ақли расо кишига равшанки, жамият манфаатларига зид хатти-ҳаракатлар учун демократия айбдор эмас, балки уни суиистеъмол қилиш айбдордир. Халқ ҳокимияти ҳар қандай бедодлик ва ўзбошимчалик билан чиқишмайди. Муносиб тартибни таъминлайдиган ва демократик тартиб — қоидаларни пишиқ-пухта ҳимоя қиладиган мустаҳкам ҳуқуқий механизмсиз ҳуқуқий давлат бўлиши мумкин эмас. Мамлакатда вужудга келтирилаётган янги демократия ва ошкоралик вазиятидан қайта қуришга қарши, бузғунчилик мақсадларида, ҳатто социализмга ва Конституцияга хилоф мақсадларда фойдаланиш йўлидаги уринишларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Қонуннинг кучига таяниб ва унга қатъий риоя этиб, ишни сиёсий воситалар билан олиб бора билмоқ, ўз ҳақлигингга одамларни ишонтирмоқ, можаролар кескинлашувига ва айниқса улар хатарли тус олишига йўл қўймаслик керак.

Биз ҳаммамиз масъулият, вазминлик билан иш юритишга, ҳис-туйғуларга таяниб эмас, балки тиниқ ақл-идрок, умумдавлат характеридаги мулоҳазаларга асосланиб ишлашга ўрганишимиз керак.

Мамлакат оддий бўлмаган даврни бошидан кечирмоқда. Эски структураларнинг янгилари билан алмашинуви осонлик билан кўчаётгани йўқ, ижтимоий онгда мураккаб жараёнларни қўзғатмоқда. Барча ижтимоий кучлар ва структураларни принципиал қайта қуриш негизида жипслаштириш, бирлаштириш — мана шу.

Жипслаштирувчи куч бўлишдек жуда масъулиятли роль Коммунистик партия зиммасига тушди. Партия жамиятдаги турли группалар мақсадларини жамлашга, англашилмовчиликлар ва ихтилофларни бартараф этишга, биринчи ўринга шахсий манфаатларни эмас, балки умумий манфаатларни қўйишга қодирдир. Партия қайта қуришни бошлади, у қайта қуришнинг кафолати эди ва ҳозир ҳам шундай. Ҳа, мустаҳкам ғоявий ришталар билан жипслашган партия ана шундай кафолатдир. Қайта қуришга муносабат соғлом ва принципиал негиз бўлиб, партия ўз сафларини ана шу негизда мустаҳкамламоқда. Қайта қуриш иши ҳозир хоҳиш-ирода ва ҳаракатлар бирлигига, коммунистларнинг юксак уюшқоқлиги ва интизомига илгаригига нисбатан кўпроқ жуда маҳтал бўлиб турибди.

Жамиятимизни бўлиб юбориш йўлидаги ҳар қандай уринишларга КПСС амалий мулоқотни, барча соғлом кучларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйишни қарама-қарши қилиб қўймоқда. Партия ички мунозараларга ҳам, барча ташкилотлар ва партиясиз омма билан ҳар қандай ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишга ҳам тайёрдир. КПСС чин ҳақиқат ўз қўлимда, деб ҳисоблаётгани йўқ. Аммо коммунистлар ҳимоя қилишга арзийдиган қадриятлар борлигини ва уларни, албатта ҳимоя қилиш лозимлигини яхши биладилар. Бу — бизнинг социалистик қадриятларимиздир, бу — биз танлаб олган социалистик йўлдир, бу — социал адолат ғояларига садоқатдир ва барча совет кишилари учун яхшироқ яшашни таъминлашдир, қайта қуриш йўлидан қатъият билан боришдир.

Жипслашиш омили миллатлараро муносабатларга ҳозир хос бўлиб турган жараёнлар муносабати билан айниқса долзарбдир. В. И. Ленин миллатлараро муносабатларга диққат-эътибор ва вазминлик билан муносабатда бўлгани маълум.

Ленин, қийинчилик билан бўлса-да, тенг ҳуқуқли республикалар федерацияси ғоясини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Сталиннинг «автономлаштириш» концепциясини қатъиян рад этди. Ленинча принциплар кўпмиллатли давлатимизнинг, мамлакатимиздаги миллатлар ва элатлар ўртасида янги муносабатларнинг қарор топишида жуда катта роль ўйнади. Аммо кейинчалик миллий сиёсатда жиддий бузилишлар ва айнишлар юз берди. Бу бузилишлар ва айнишларни бартараф этар эканмиз, биз, ҳаммамиз бош социалистик хазинамиз — тенгҳуқуқли совет халқлари дўстлиги ва бирлигини елга совурмаслик учун ленинча донолик ва ғамхўрлик билан ҳаракат қилишимиз лозим.

Ҳозир миллий сиёсатнинг замонавий концепциясини қабул қиладиган Марказий Комитет Пленумига тайёргарлик кўрилмоқда. Мамлакатдаги барча миллатлар ва элатларнинг манфаатларини мустақиллик, масъулият ва интернационал ўзаро ёрдам принциплари асосида уйғунлаштириш бу сиёсатнинг моҳиятидир.

Республикаларнинг тўлақонли иқтисодий, давлат-ҳуқуқий, маданий турмуши учун реал шарт-шароитлар яратишга, автономиялар статусини мустаҳкамлашга, миллий районлар, қишлоқ ва посёлка советлари тузиб, майда миллатларнинг ҳуқуқларини амалга оширишга, барча миллатларга мансуб совет гражданларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга катта аҳамият берилади.

Партия шунга аминки, қайта қуришсиз миллатлараро муносабатларнинг мураккаб муаммоларини ҳал этиб бўлмайди. Аммо, қайта қуришни ҳам совет халқларининг ҳамкорлигисиз, ҳамжиҳатлигисиз, бирлигисиз амалга ошириб бўлмайди. Бир миллат иккинчисига қарама-қарши қилиб қўйилмаслиги, бошқа халқларга зиён етказиб, миллий имтиёзлар олиш мақсади кўзда тутилмаслиги зарурлиги муҳимдир. Биз миллий ҳис-туйғулар ва миллий ифтихорни қатъият билан маъқуллаймиз. Биз, миллий мумтозлик ва нифоқни қоралаймиз. Кўпмиллатлиликни социалистик давлат куч-қудратининг манбаига, мамлакатдаги ҳар бир миллат ва элат фаровонлиги ва ҳар томонлама камол топишининг манбаига айлантириш бизнинг ҳозирги кун ва келажак олдидаги муштарак бурчимиздир.

## IV.

Ўртоқлар! Ленин «тўла равишда социалистик мамлакат» бўлиш учун маданиятни жуда ошириш керак деб ҳисоблар эди.

Маданият ҳақидаги ленинча тушунча чинакам кенг қамровли, теран ахлоқий ва инсонпарвар тушунчадир. Бу тушунча инсоннинг оламга, жамиятга ва ўз-ўзига хилма-хил муносабатларини қамраб олади: алифбени ўрганишдан тортиб табиатни, тарих ёдгорликларини авайлаб-асрашгача, жуда юксак маънавий қадриятлардан баҳраманд бўлишгача, ахлоқнинг оддий нормаларига риоя этишдан тортиб, сиёсий маданиятни, меҳнат ва турмушни, фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларини илғор даражада ташкил этишгача — буларнинг ҳаммаси ана шу муносабатлар доирасига киради.

Ана шу талабчан мезонларни мамлакатимиз маданий ютуқларига қиёс этар эканмиз, бу соҳадаги тараққиётимиз якунларига ҳам реалистик баҳо беришимиз керак. Тўғри, Совет ҳокимияти йилларида жамиятнинг таълим даражаси кескин кўтарилди, СССР бадиий ижодкорликда катта муваффақиятларга эришган, қудратли илмий потенциалга эга бўлган мамлакатга айланди. Лекин, дангал айтадиган бўлсак, анчагина имкониятларни қўлдан чиқардик, ҳатто бу имкониятлардан маҳрум бўлдик.

Бунинг боиси — маданиятга «қолдиқ» принципига кўра сарф-харажат қилинганидадир. Бунинг боиси шундаки, Ленин ибораси билан айтганимизда, «шунчаки бир андозага, бир қолипга солиб бараварлаш, озчиликни кўпчиликка бўйсундириш ҳаммадан қийин» бўлган маънавий фаолият соҳасида худди ўша маъмурий методлар амал қилаверди. Оқибатда эса маданий ҳаёт бойликларига путур етди. Бу бойликлар ўрта миёна бўлиб қашшоқлашди, уларнинг ўтмиш мероси ва умумжаҳон анъаналари билан алоқалари узилди.

Ҳозир партия буйруқбозлик методларидан, маданиятда нима яхши-ю, нима ёмонлиги хусусида санъатда нимани ва қандай қилиб тасвирлаш жоизу, нимани ва қандай қилиб тасвирлаш жоиз эмаслиги хусусида субъектив, баъзан эса оми тасаввурларини тиқиштиришга қатъиян барҳам бермоқда.

Партия жамият маънавий ҳаётидаги ўзининг фаол ролини ахборотнинг имкони борича тўлалиги, далил-исботларнинг ишончлилиги, бир томонлама баҳолар ва мулоҳазаларнинг танқид йўли билан бартараф этилиши, қунт билан тушунтириш ва ишонтириш билан рўёбга чиқаришга интилмоқда. Жамиятнинг бебаҳо бойлиги, жамият тараққиётининг қудратли ҳаракатга келтирувчи кучи сифатида истеъдодларга, интеллектуал меҳнат кишиларига ленинча ёндошув абадий аҳамиятга эгадир. КПСС санъат ва адабиётда, фан ва техникада, маданият ва маорифда бу ёндошувни изчиллик билан ўтказаверади.

Партиянинг бутун идеология ишида жиддий ўзгаришлар, теран қайта қуриш бўлиши лозим. Маъмурий буйруқбозлик системаси билан биргаликда идеология фаолиятини фақат қабул қилинган қарорларни «таъминлаш» воситалари деб тушуниш ҳам ўтмиш бўлиб қолмоқда, ўшанда вазифа, аслида, бир қолипда фикрлашни ўтказишдан, буйруқнинг юқоридан пастга ўтишига ёрдам беришдан иборат бўлиб қолган эди.

Ошкоралик шароитида экономика, социал равнақ, фан-техника тараққиётидаги бирон бир жиддий тадбир жамоатчилик фикрини ҳисобга олмай, айниқса унга зид тарзда рўёбга чиқмайди. Турмуш бу ҳақда ҳар куни эслатиб турибди. Бу ўринда экология, нарх белгилаш ислоҳоти, кооператив ҳаракатни ривожлантириш масалалари хусусидаги ва албатта, сайлов кампанияси бобидаги тажриба ҳақида жамоатчилик жўш уриб, айтиш керакки, жўяли бонг урганини айтиб ўтиш кифоя. Бундан сабоқ чиқариб олмаслик — етилган масалаларнинг ҳал қилинишини аввал бошданоқ қийинлаштириш демакдир.

Бундан қандай хулоса чиқади?

Бу сабоқ шундан иборатки, у бизнинг олға қараб ташланган ҳар бир одимимизни илмий жиҳатдан синчиклаб асослашни ҳам, қулай маънавий-психологик муҳитни вужудга келтириш, шу муҳитга таянишни ҳам тақозо этади. Шундай қилиб, тушунтириш ва ишонтириш, жамоатчилик фикрини қозониш, ижтимоий жараёнларни бошқариш билан узвий тарзда боғланади, мазкур бошқарувнинг асосий омилларидан бирига айланади.

Бугунги кунда ошкора фикр-мулоҳаза юритадиган, ижодий мафкуравий иш, одамларга қаратилган идеология иши зарур. Юқоридан бўладиган буйруқбозлик ўрнини халқнинг фикрини, унинг коллектив ақл-идрокини акс эттирадиган ахборот оқимини ҳам қамраб олаётган алоқалар олмоқда. Ўтмишда одат тусига кирган монолог ўрнини кенг кўламдаги ижтимоий мулоқот эгалламоқда. У ёки бу сийқаси чиққан тадбирлар эмас, фикрларнинг хилма-хиллиги шароитида одамлар билан ошкора сўзлашувда қатнашиш, партия позициясини принципиаллик билан тушунтириш ва бу позицияни ўтказиш — эндиликда булар ғоявий-тарбиявий ишнинг, партия тарғиботининг мазмуни бўлиб қолмоқда.

Бу борада жамоатчилик фикрининг минбари ва уни баён этиш ва шакллантириш воситаси сифатида матбуот, телевидение ва радио алоҳида ўрин тутади. XIX партия конференцияси танқид ва ошкоралик зоналарини кенгайтириш, қайта қуриш ғоялари ва принципларини қарор топтиришда матбуотнинг фаолиятига юксак баҳо берди. Айни вақтда, конференция оммавий ахборот воситалари ишида бирон-бир оғишларга, чин ҳақиқатни даъво қилишларга ва айниқса бир томонлама мойилликларга ва гуруҳбозлик эгоизми кўринишларига йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади, қайта қуришнинг амалий жараёнларида яна ҳам фаолроқ иштирок этиш вазифасини қўйди.

Ленин «сўз ҳам иш эканлигини» қайта-қайта такрорлашни яхши кўрар эди. Ошкоралик вазияти ана шу мулоҳазанинг теран мазмунини яна ҳам яққол кўрсатди. Оғзаки сўз ва матбуот сўзининг ижтимоий акс-садоси нечоғлик катта бўлса, бу ўринда гап бизнинг жўн бўлмаган тарихимиз ҳақида борадими ёки бугунги куннинг долзарб муаммолари ҳақида борадими — бу сўз шу қадар аниқроқ ва шу қадар асосланганроқ бўлиши лозим. Бундай шароитда журналист, публицист, муҳаррирнинг гражданлик позицияси ва масъулияти принципиал аҳамият касб этади.

В. И. Ленин даврида бўлганидек, бугунги кунда ҳам ишимизнинг муваффақияти жамият ўз олдига қўяётган мақсадларни, социализм идеалларини янгилай оладиган ва миллион-миллион кишиларни илҳомлантира оладиган мақсадларни назарий жиҳатдан теран кўра билишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Худди шунинг учун ҳам партия йигирманчи аср охири ва йигирма биринчи аср бошланишидаги реалликларга жавоб бера оладиган социализмнинг ҳозирги концепциясини ишлаб чиқиш вазифасини илгари сурди. Бу ўринда гап қандайдир янги терминлар ва таърифлар топишда, қайси маррага, қачон ва ким билан келишимизни ёзиб қўйишда эмас, бу ўринда гап социализмнинг назарий муаммоларини идрок этишда олдинга силжишда, иқтисодий, сиёсий ва социал ўзгаришларга оид йирик, истиқболга мўлжалланган ғоялар бисотига эга бўлишдадир.

Партия ана шу жуда катта миқёсдаги мураккаб ишга киришди. Бунинг дастлабки натижалари, партия XXVII съездида, XIX партия конференциясида, сўнгги вақтдаги ҳужжатларда акс этди.

Лениннинг назарий мероси қайта идрок этилмоқда ва у яна ҳам теранроқ тарзда ижодий ўзлаштирилмоқда. Энди биз йигирманчи йилларнинг охири ва ўттизинчи йилларда таркиб топган таълимотни яхшироқ тушуниб олдик бу таълимот ўша пайтда вужудга келаётган маъмурий-буйруқбозлик системасига идеологик жиҳатдан хизмат қилиши лозим эди. Мазкур таълимот ташқи жиҳатдан марксча-ленинча терминология билан ўралган бўлса ҳам, аслида ижодий марксизмдан, ленинизмдан чекиниш эди.

Социализмнинг ленинча концепциясига мурожаат қилиш, бу албатта, шу концепцияга жўнгина қайтишни англатмайди, албатта. Бу жуда ҳам мураккаб юмуш бўлмас эди. Бу ўринда энг муҳими замонавий шарт-шароитлар, замонавий тажриба ва замонавий вазифалар нуқтаи назаридан ленинча ғояларни идрок этишдир.

Назарий фикрнинг мамлакатда амалга оширилаётган теран ўзгаришлар практикаси билан жуда мустаҳкам алоқаси, юзага келаётган тенденциялар ва жараёнларнинг таҳлили ва идрок этилиши жуда зарурдир. Бунинг устига ана шу тенденциялар ва жараёнлар зиддиятли кечмоқда, курашда консерватив кучлар ва анъаналарни бартараф этиб, сабрсизлик билан олдинга ўтиб кетишга уринишларни бартараф этиб содир бўлмоқда.

Социализм тўғрисидаги ҳозирги тасаввурлар унинг идеалларини бошқа социалистик мамлакатлар тажрибаси билан таққослашни талаб қилмоқда. Социалистик қурилиш формалари, усуллари ва методларининг хилма-хиллигига шубҳа билан қараладиган вақтлар, социализмнинг фақат бир моделигина тўғри, деб ҳисобланиладиган вақтлар ўтиб кетди. Эндиликда шу нарса равшанки, бундай хилма-хиллик социализмни бойитади, унинг ҳаётийлигини, социалистик йўлнинг универсаллигини намойиш этади.

Ниҳоят, социалистик истиқбол ишлаб чиқилаётганлигида дунёнинг носоциалистик қисми тажрибасидан ҳам юз ўгириш мумкин эмас. Ленин ибораси билан айтганимизда, социализм цивилизациянинг қонуний босқичику, ахир. У инсоният тараққиёти мобайнида орттирилган барча яхши нарсаларни мерос қилиб олади. Фан-техника соҳасидагина, эмас, иқтисодий ва социал муаммоларни ҳал этиш, демократия формаларини ва жамиятни сиёсий жиҳатдан ташкил этишни ривожлантириш борасидаги энг яхши нарсаларни ҳам мерос қилиб олади.

Пировардида, социализм ҳар жиҳатдан яна ҳам юқорироқ тузум бўлиши керак. У ўзининг бирорта мезонларида ҳам бошқа ижтимоий система билан таққосланганида ютқизиб қўймаслиги керак. Келажак лойиҳаларига социал қолоқликни ва ҳаётнинг ўзи рад этган чекланган тасаввурларни асос қилиб олиш мумкин эмас.

Бизнинг ҳозирги замонда истиқболни кўра билишимиз асосий ғоя — социализмнинг инсонпарварлик моҳияти ғояси билан, унинг демократия билан уйғунлашуви ғояси билан йўғрилгандир, келажак жамиятда одамнинг қадр-қимматини жуда юксакликка кўтариш ғояси билан йўғрилгандир. Социализм — меҳнат аҳлининг жамияти бўлиб, у меҳнат аҳлига хизмат қилади.

Қайта қуриш ҳам худди ана шу асосий мақсадни кўзлаб амалга оширилмоқда.

## V.

Ўртоқлар! Партиянинг мамлакатимизда социализмни янгилаш юзасидан ишлаб чиққан стратегияси янги сиёсий тафаккур, ҳозирги дунё реалликларини чуқур идрок этиш билан узвий боғлиқдир. Инсоният тарихий тақдири муштараклигини тан олиш, зиддиятли, лекин бир-бирига боғлиқ бўлган жаҳон ҳамжамиятимиз яхлитлиги ортиб бораётганлиги, умумбашарий қадриятларнинг устунлиги ва авало ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ,ядро фалокатининг олдини олиш ана шу реалликларнинг ўзагидир.

Тўғри, янги сиёсий тафаккур — давримизнинг самарасидир, лекин бу соҳадаги кўп ёндашувлар ва ғоялар ҳам В. И. Ленинга тааллуқлидир.

Айни Ленин 1920 йилнинг охирига келиб, ўша вақтда сиёсий ва назарий ғояларимизда устун бўлиб турган, планета жаҳон пролетар революцияси бўсағасида турибди, деган тасаввурдан қатъий воз кечди. Шафқатсиз реализм уни тинч-тотув яшаш ғоясига олиб келди. Бунинг устига у тинч-тотув яшашни «Фақат нафасни ростлаб олиш имконияти эмас, ундан ҳам жиддийроқ нарса» — тараққиётнинг «Янги бир даври» деб қаради. Тинч-тотув яшашни дастлабки сиёсий соҳадан давримизнинг теран жараёнлари соҳасига олиб ўтиш ғояси кейинчалик Ленин олға сурган НЭП концепцияси билан узвий боғлиқдир.

Ленин бу янги даврни икки системанинг савдо-сотиқ ривожланадиган, концепциялар барпо этиладиган, алмашадиган валюта жорий этиладиган, жаҳоншумул муаммолар, масалан, жаҳон алоқа йўлларини интернационаллаштириш муаммолари биргаликда ҳал қилинадиган фаол ўзаро муносабатлар, деб тушунди. У қуролли кучларни қисқартириш программасини олға сурди ва Ғарб давлатлари Генуяда бу программани рад этганларига қарамай, армиянинг жанговар ўзагини сақлаб қолиш ва такомиллаштириш билан бир вақтда қуролли кучларни бир томонлама қисқартиришга қаратилган тадбирларни қўллаб-қувватлади.

Афсуски, 30—40-йиллардаги бузилишлар, Ғарбнинг мамлакатимизга душманлик муносабати шароитида икки системанинг тинч-тотув яшаши тўғрисида қарама-қарши тасаввурлар устун келди. Натижада социализм «ўз қобиғига ўралаша» бошлади, мустақил хўжалик юритишга, бошқа мамлакатлар билан алоқаларни чеклашга ўта бошлади.

Ҳатто иккинчи жаҳон урушидан сўнг бир қанча социалистик давлатлар халқаро майдонга чиққан даврда ҳам социализмни бошқа — империалистик «лагер»га қарама-қарши турувчи «лагерь», деб ҳисоблаб келинди. Барча объектив сабабларга — социализмга «совуқ уруш» тиқиштирилганига қарамай, дунёни бир-бирига душман икки монолит, деб ҳисоблаш муҳолифлик тенденцияларини мустаҳкамлади. Кейинчалик урушнинг муқаррарлиги тўғрисидаги ғоя четга улоқтирилгандан кейин ҳам тинч-тотув яшаш тарихан қисқа муддатли, деган тасаввур устун бўлиб келди.

Ҳозир биз тинч-тотув яшашни асосли жараён деб ҳисоблаймиз, унинг шажараси чегараларини илғаб олиш қийин. Икки системадан қайси бири илғор ва ҳаётий кучга эга эканлигини тарихнинг ўзи ҳал қилади. Биз социализмнинг имкониятлари ва истиқболларига ишонамиз.

Икки хил системанинг узоқ муддат ёнма-ён яшашида менимча ўз мантиқи, ўз қонунияти бор. Мураккаб ўзаро алоқалар давомида мусобақа бормоқда, улардан ҳар бирининг энг муҳим қадриятлари ўзаро синовдан ўтмоқда, фақат ўз муаммоларинигина эмас, шу билан бирга кўпроқ даражада умумбашарий муаммоларни ҳам ҳал этиш қобилияти намоён бўлмоқда. Бу мусобақа социализмнинг тараққиётини ўзига хос равишда рағбатлантирмоқда: У ўз афзаллигини исботлаб бериши лозим ва айни вақтда олдинги ижтимоий формация тажрибасидан энг қимматли жиҳатларни ўзлаштириш имкониятига эга бўлади.

Ана шу кенг миқёсли ўзгаришлар жиҳатидан қараганда халқаро ишларда идеологиянинг роли тўғрисидаги масала кўп жиҳатдан янгича қўйилмоқда. Бир томондан, давлатлараро муносабатларни идеология соҳасидаги мунозаралардан холи қилиш лозим: ядро даврида дунё жуда нозик бўлиб қолди, идеология соҳасидаги келишмовчиликларни давлатлар диний урушлар қабилида ҳал қилмасликлари лозим. Иккинчи томондан, ҳарбий омил нисбатан бўшашган шароитда, далиллар кучи куч далилларидан салмоқлироқ бўлиб қолаётган пайтда ижтимоий турмушнинг мафкуравий жараёнлари интенсивлашмоқда. Фан-техника революцияси — ахборот асрининг бошланганлиги ҳар бир кишига ер юзида бўлаётган барча воқеаларни билиш, кўриб туриш, бошдан кечириш имконини бермоқда.

Биз ўз эътиқодлари ва қадриятларини сақлаб қолган ҳолда мафкуравий мунозараларда амалий асосларни қидириш биринчи ўринга чиқиши, муайян этикага риоя қилиниши тарафдоримиз. Биз ҳар ким ўзини айбсиз, деб санашидан воз кечиши, бошқа томонни барча ёвузликлар сабабчиси деб қарашга уринишлардан воз кечиш тарафдоримиз. Биз мафкуравий урушдан воз кечиш тарафдоримиз, бундай урушда ютуқ хомхаёлдир, ўзаро ишонч учун бинобарин, тинчлик учун хатар — реалдир. Бу албатта **бизнинг** дунёни тасаввур этишимиз, **бизнинг** сиёсий фалсафамиз, **бизнинг** давлатимиз ташқи сиёсий фаолиятининг негизидир.

Ғарбда ҳамма ҳам бизнинг бундай қарашларимизни тушунаяпти ва айниқса бунга қўшилаяпти, дея олмаймиз. Бир қанча мамлакатларда дунёга «эскича» кўз билан, муҳолифлик ва ҳарбий-сиёсий қарама-қарши туриш нуқтаи-назаридан қараётган нуфузли доиралар мавжуд. Баъзи бировлар Совет ташаббусларига шубҳа билан қарамоқдалар. Баъзи бировлар СССРда ишлар қандай боракин, деб кутиб туришибди, бизда қандай кучлар устун келаркин, деб фол очишмоқда. Қайта қуриш ва янгича тафаккурни Ғарб учун деярли хавф деб ҳисоблаётган, уларни сохталаштириб кўрсатишга уринаётган, бизнинг у ёки бу муаммоларимиз муносабати билан хурсанд бўлаётган, юз бераётган қийинчиликлар ва зиддиятларни бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилаётган одамлар ҳам бор. Буларнинг ҳаммасини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Лекин, чамаси, энг муҳими шундаки, қайта қуриш, янги сиёсий тафаккур, СССРнинг актив сиёсий фаолияти дунёда жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Улар реакцион кучлар тарғиб этиб келаётган мамлакатимиз тўғрисидаги тасаввурларни ва ўтмиш андозаларини супуриб ташламоқда, социализмнинг обрў-эътибори ўсишига кўмаклашмоқда, коммунистик ҳаракатга, тинчлик, илғор социал орзу-умидлар учун курашда бошқа тараққийпарвар кучларга янги омиллар бахш этмоқда.

Халқаро муносабатларда иқлим ўзгараяпти, тобора қулай бўлиб бормоқда. Ҳатто бошқа мамлакатлар билан муносабатларимизда юз бераётган ўзгаришларнинг қисқача рўйхати ҳам ана шундан далолат бераяпти. Биринчи марта ядросиз дунё сари реал қадам қўйилди. Шарқ билан Ғарб ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ишонч кенгаймоқда.

Умумевропа жараёни, «Умумевропа хонадони» концепциясини амалга ошириш янги даражага кўтарилди. Биринчи марта Атлантикадан Уралгача қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида музокара бошланди. Иқтисодий алоқалар кучайиб бормоқда, маданий айирбошлаш, одамларнинг мулоқотлари, «гуманитар соҳадаги ҳамкорлик» тушунчасига кирадиган ҳамма нарса янги кўламларга чиқмоқда.

Совет—Америка мулоқотини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар мавжуд. Бу соҳада гап шерикларимизда қолган.

Совет солдатлари Афғонистондан уйларига қайтишди. Бу — соғлом фикр ғалабасидир, бутун совет халқи ҳис-туйғуларининг ифодасидир.

Мамлакатимиз тарихида, ҳатто яқин вақтларда бошқа мамлакатлар билан муносабатлар яхшиланган, хавфсизлик соҳасида муҳим шартномалар тузилган даврлар олдин ҳам бўлган. Бироқ, ҳозир бундай жараён ғоят чуқур асосда ўтмоқда, деб қайд этиш учун ҳамма асослар бор. Кўп йиллар давомида биринчи марта СССРнинг хавфсизлиги мудофаа учун харажатларни кўпайтириш ҳисобига мустаҳкамланаётгани йўқ. Аксинча, мудофаа қобилиятини оқилона, етарли даражада сақлаб туриш принципига асосланиб совет давлати қўшинлар ва қурол-яроғларни бир томонлама қисқартиришни эълон қилди, мудофаа корхоналарининг бир қисмини граждан эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказишга киришди.

Инсониятнинг тинч келажагини таъминлайдиган, умумбашарий консенсус — аҳилликка асосланган янги жаҳон тартибини барпо этадиган асосий муаммоларни ҳал қилиш ҳозирча олдинда турибди, албатта. Аммо Совет Иттифоқи халқаро муносабатларни тубдан соғломлаштириш учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилаверади.

Ўртоқлар! Лениннинг сўнгги сўзлари эшитилган, Лениннинг сўнгги сатрлари ёзилган даврдан бизни олтмиш беш йил ажратиб турибди. Аммо ана шу йилларга нисбатан ҳозир бизга Ленин ҳар қачонгидан ҳам яқинроқ бўлиб қолди. Ватанимиз ва жаҳон тарихининг ҳозирги бурилиш босқичида биз унинг ғояларига қайта-қайта мурожаат қилмоқдамиз, улардаги энг қимматли жиҳатларни, инсонпарварлик мазмунини гўё қайтадан идрок этмоқдамиз.

Инсон тузумга эмас, балки тузум инсонга хизмат қилиши керак. М. С. Горбачев айтган бу формула ҳаётимизнинг нормасига айланиши учун кўп иш қилиш: маъмурий-буйруқбозлик билан бошқаришдан узил-кесил қутилиб, иқтисодий ва сиёсий системаларни тубдан ислоҳ қилиш, чуқур ва ҳар томонлама демократиялаш, ижтимоий мулкдан, сиёсий ҳокимиятдан ва маънавий қадриятлардан шахснинг бегоналашганлигини бартараф этиш, одамларда мамлакатнинг ҳақиқий хўжайини туйғусини қайтадан тиклаш лозим бўлади.

Бу қийин йўл, лекин айни шу йўлгина социал, иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг юксак даражасига олиб боради. Давр тақозосига бирдан-бир тўғри жавоб бўлган қайта қуриш революциямизнинг идеалларига, Лениннинг социализм тўғрисидаги тасаввурларига тўла мос келади.

Совет халқининг танлаб олган бу йўли XXI асрга қадам қўйиш арафасида турган цивилизацияга муносибдир. **(Давомли қарсаклар).**

